

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ  
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ ЗОКИР ТОШТЕМИРОВИЧ**

**ТАЪЛИМНИНГ МОБИЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАР  
ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Касб таълими йўналиши мисолида)**

**13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Pedagogical Sciences**

**Рахимов Зокир Тоштемирович**

Таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш

фаолиятини ривожлантириш методикасини

(Касб таълими йўналиши мисолида).....3

**Рахимов Зокир Тоштемирович**

Совершенствование методики развития учебно-познавательной

деятельности у студентов в условиях мобилизации образования

(На примере направлений профессионального образования).....23

**Rakhimov Zokir Toshtemirovich**

Betterment of methodic of development of cognitive activity in students under

conditions of mobilisation of education (On the example of professional education).....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ  
КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ ЗОКИР ТОШТЕМИРОВИЧ**

**ТАЪЛИМНИНГ МОБИЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАР  
ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Касб таълими йўналиши мисолида)**

**13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped92 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.vocedu.uz](http://www.vocedu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Муслимов Нарзулла Алиханович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Исмоилова Зухра Карабаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Турақулов Олим Холбўтаевич**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped 48.01-рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37, E-mail: [moqt@markaz.uz](mailto:moqt@markaz.uz)).

Диссертация билан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Э.Қурбонов**

Илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**С.Ю.Ашурова**

Илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

**З.К.Исмаилова**

Илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон ҳамжамиятида глобал ахборотлашув замонавий жамиятга хос хусусият таълим тизимининг ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Таълим сифати бўйича “Европа Кенгаши мамлакатларининг 2020 йилга қадар таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси” олий таълимда ягона тизимни вужудга келтириш мақсадида Европа давлатлари таълим тизимини бир-бирига яқинлашуви ва мобиллашувини таъминлашга хизмат қилмоқда. Олий касбий таълим муассасалари Европа ассоциацияси EURASHE, ENIC-NARIC ахборот-тизим маркази, Busioness Europe ассоциацияси, Таълим соҳасидаги халқаро ташкилот Education International ва Европа комиссияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Шунга кўра, таълим сифатини ошириш халқаро рақобатбардошликни таъминлаш, миллийликни сақлаган ҳолда ривожланган давлатлар таълим тизимини, жумладан Болонья декларациясини атрофлича таҳлил қилиш орқали халқаро таълим тизимига босқичма-босқич кириб бориш, таълимда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш негизида халқаро таълим стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши таълим мазмунига ҳам изчил равишда ўзгартиришлар киритиш борасида “таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш”<sup>1</sup> устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>2</sup> вазифаларини амалга оширишда олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини оширишда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Халқаро педагогик тажрибаларга кўра, касб таълими йўналишлари талабаларига касбий муҳим сифатларини шакллантириш, тезкорлик, шиддатли ўзгаришларга қисқа муддатларда самарали мослашиш, билимларни фаол сингдириш, янгиликлар билан изчил таништириб бориш катта аҳамият касб этади. Натижада, бўлажак мутахассислар ўртасида асосий таълимий мақсадлар - ўқув-билиш фаолиятини ривожланиши (developing learning activity), малакали мутахассис сифатида шаклланиш (forming as a qualified specialist), касбий ўсишга эришиш (achieving professional advancement), талабаларда ҳаётий ва

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2017. – 24-б.

<sup>2</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси // <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>.

касбий фаолиятни ташкил этиш учун зарур маълумотларни изчил, узлуксиз, мақсадли, тизимли ўзлаштириш, уларнинг мақсадли шаклланишларига эришишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Машғулотларда интерфаол таълим усуллари, таълим технологияларидан фойдаланиш, талабаларда билиш қобилиятини ўстириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари Х.А.Абдуллаева, А.Абдуқодиров, Н.Х.Авлиякулов, Д.Н.Арзиқулова, Ж.Ғ.Йўлдошев, М.Очилов, Д.Рўзиева, Л.В.Голиш, Г.Н.Ибрагимова, М.Ҳ.Усмонбоева, Д.А.Хидоятвалар томонидан тадқиқ қилинган бўлса, Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, П.Т.Магзумов, А.Р.Ходжабаев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, З.К.Исмоилова, Ў.Қ.Толипов, Ж.А.Ҳамидов, О.Турақулов, Б.Нуридинов, Д.О.Ҳимматалиев, С.А.Усмонов, О.А.Қўйсинов, А.А.Юлдашев, Ҳ.Ш.Қодировларнинг ишларида шахсни касбий шакллантириш, ўқувчиларда меҳнат фаолиятига эҳтиёжни тарбиялаш, ўрта махсус ва олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат, касбий кўникма, малакаларни ривожлантириш, касбий таълим мазмунини такомиллаштириш, касбий таълимнинг ривожланиш тарихи масалалари ўрганилган.

Билишнинг диалектик ривожланиши, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, бу жараёнда шахсга йўналтирилган таълим: интерфаол, муаммоли, лойиҳа ва ҳамкорлик таълими технологияларидан фойдаланиш, ўқув-билиш фаолиятининг даражаларини ривожлантиришнинг психологик, педагогик жиҳатлари, касбий таълим жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш П.В.Алексеев, В.В.Афанасьев, Ю.И.Булатова, С.С.Великанова, А.А.Вербицкий, М.Г.Ермолаева, М.В.Кларин, Е.А.Крюкова, В.Легенчук, П.С.Лернер, Т.М.Михайленко, В.И.Моросанова, А.В.Панин, Н.А.Прокопишина, Т.Л.Стенина, А.В.Хуторской, Т.И.Шамова,

С.Н.Ярошенко, Е.В.Данилова, Н.Н.Деменева, Н.В.Дороднева, А.П.Тряпицына, А.Шаповал кабилар томонидан тадқиқ қилинган.

Анна Л. Браун (Ann L. Brown), Энди Норман (Andy Norman), Бенжамин Блум (Bloom B), Дэвид Жекуес (David Jaques), Джон Д.Бренсфорд (John D.Bransford), Мишель Шварц (Michelle Schwartz), Роберт Вар (Robert V.Bar), Родни Р.Кокинг (Rodney R. Cocking), Стив Кеттеридж (Steve Ketteridge), Стефани Маршал (Stephanie Marshall), Хизер Фрай (Heather Fry), Патти Дренпеау (Patti Drapeau), Жон Тагг (John Tagg)ларнинг тадқиқотларида олий таълим тизимида ўқитиш ва ўқишга доир тажрибани ошириш, ўқув-билиш фаолиятига янгича ёндашиш, унинг афзалликлари, таълимнинг мобиллашуви борасдаги илғор тажрибаларнинг моҳияти таҳлил этилган

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Тошкент давлат педагогика университетининг “4-100 – Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг самарали замонавий ўқув-методик мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш”; “А-1-141 – Олий таълим муассасалари педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш” мавзуларидаги илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** таълимнинг мобиллашуви шароитида касб таълими йўналиши талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-методологик ва амалий-методик мазмунини ёритиш;

таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг мантикий тузилмасини ишлаб чиқиш;

таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятининг ривожланганлик даражасини баҳоловчи мезонларни такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** таълимнинг мобиллашуви шароитида касб таълими йўналиши талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** таълимнинг мобиллашуви шароитида касб таълими йўналиши талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мазмуни, шакллари ва воситалари.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот ишида педагогик, психологик ва методик адабиётларни ўрганиш; қиёсий таҳлил; ижтимоий методлар (анкета, суҳбат, интервью); тест; педагогик кузатиш; моделлаштириш; педагогик тажриба; математик статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

касбий таълим мобиллашуви шароитида талабаларнинг эвристик ва креатив компетентлик даражаларини ривожлантириш ва гностик, методик, ижодий-ташкилий, таҳлилий баҳолаш каби функцияларини инновационлик тамойили асосида чуқурлаштириш орқали ўқув-билиш фаолияти мантиқий тузилмаси компонентларининг мазмуни такомиллаштирилган;

“интеллектуал биатлон”, “бажарилган топшириқлар эстафетаси” ва “тизимлаштирилган тушунчалар кросси” методларини ўзаро интеллектуал беллашув муҳитини ташкил этиш асосида такомиллаштириш орқали талабаларнинг эрудиция, рефлексивлик, техник ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш имкониятлари кенгайтирилган;

интерфаол (Interactive education), муаммоли (Problematic education), лойиҳа (Project education), ҳамкорлик таълими (Cooperative education) технологияларининг самарали (муаммолилик, мантиқийлик, ижодий ва амалий йўналганлик) имкониятларидан фойдаланиш асосида мустақил таълимни ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган;

талабалар ўқув-билиш фаолияти ривожланганлик даражаларини белгиловчи адекват мезонларнинг миқдорий, вазний, сифатий, натижавий параметр ва индикаторларини аниқлаштириш орқали репродуктив, қисман изланувчан, ижодий-креатив характердаги объектив баҳолаш мазмуни такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган “Интеллектуал биатлон”, “Бажарилган топшириқлар эстафетаси” “Тизимлаштирилган тушунчалар кросси” методлари, интерфаол (Interactive education), муаммоли (Problematic education), лойиҳа (Project education), ҳамкорлик таълими (Cooperative education) технологияларидан фойдаланишнинг самарали имкониятлари аниқланган ва ўқув машғулотларида қўлланилганда талабалар ўзлаштириши кўрсаткичларининг ошишига хизмат қилган, ҳамда мазкур фаолиятга доир методик қўлланма ишлаб чиқилган;

касб таълими йўналиши талабалари ўқув-билиш фаолияти ривожлантириш мақсадида мустақил таълимни ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган ва мазкур фаолиятнинг мазмуни акс этган ўқув-услубий қўлланма яратилган;

талабалар ўқув-билиш фаолиятининг ривожланганлик даражаларини белгиловчи мезонлар такомиллаштирилган ва тажриба-синов ишларида унинг самарали эканлиги олинган натижалар асосида исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Билиш назарияси методологияси (билиш диалектикаси, ўқув фанлари мазмуни, ижтимоий (таълим) жараёнини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар тадқиқотчилари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда



сифат жиҳатидан таъминланганлиги; олинган натижаларнинг ишончли математик-статистик метод ёрдамида таҳлил қилинганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълимнинг мобиллашуви шароитида касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабалари ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг моҳияти, педагогик имкониятлари, назарий-методик асослари ва олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчилари тайёрлашни такомиллаштиришнинг самарали имкониятлари, шакллари, методлари яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълимнинг мобиллашуви шароитида касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг методикаси такомиллаштирилганлиги, ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг мантиқий тузилмаси ишлаб чиқилганлиги, таълимнинг мобиллашуви шароитида касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга доир амалий-методик тавсияларни ишлаб чиқилганлиги ҳамда эришилган натижалар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштиришда самарали натижалар қўлга киритилишига хизмат қилиши билан изоҳланади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган дидактик таъминотдан педагогика соҳасига доир дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Таълимнинг мобиллашуви шароитида касб таълими йўналиши талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

таълимнинг мобиллашуви шароитида касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабаларининг касбий билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ҳамда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш жараёнининг яхлитлигини, уларнинг касбий фаолиятга муваффақиятли мослашишини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар асосида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган “Интеллектуал биатлон”, “Бажарилган топшириқлар эстафетаси” ва “Тизимлаштирилган тушунчалар кросси” номли методлар мазмуни такомиллаштирилган ҳамда ўқув жараёнида шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланишнинг самарали имкониятлари аниқланган; (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 апрелдаги 89-03-1234-сонли маълумотномаси) Мазкур таклифлар талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

тадқиқот натижалари асосида тайёрланган “Интерфаол методлар ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг самарали имкониятларидан фойдаланиш” ва “Таълим жараёнида талабалар фаоллигини ошириш мақсадида

мустақил таълимни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш” номли ўқув-услугий қўлланмаларидан Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтларида 5111000 – Касб таълими (соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишлари ва 5A111000 – Касб таълими (соҳалар бўйича) магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 майдаги 89-03-2004-сонли маълумотномаси) Мазкур ўқув-услугий қўлланмалар талабаларнинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инobatга олган ҳолда унинг шахсини ўзига хос хусусиятлари, қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган таълим методлари ва технологияларини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасаларида юқори малакали бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга хизмат қилган;

касб таълими йўналишлари ўқув жараёнида интерфаол, муаммоли, лойиҳа ва ҳамкорлик таълим технологияларини қўллаш орқали “Қишлоқ хўжалиги машиналари” фани бўйича талабаларда касбий билим, кўникма, малакаларнинг шаклланганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган ҳамда тажриба-синов майдонлари таълим жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 апрелдаги 89-03-1234-сонли маълумотномаси) Мазкур методика глобаллашув шароитида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини самарали амалга ошириш ва мустақил таълим натижаларини объектив баҳолашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, жумладан, 2 та ўқув-услугий қўлланма, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (7 та республика ва 1 та хорижий журналда) чоп этирилган.

**Диссертациянинг таркибий тузилиши:** диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг**

**илмий-педагогик муаммолари”** деб номланиб, унда таълимнинг мобиллашуви шароитида Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабалари ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мазмуни ва педагогик-психологик имкониятлари ўқув-билиш фаоллигига эришиш зарурияти ёритилган.

Замонавий таълим барча соҳалар каби тезкорликни, шиддатли ўзгаришларга қисқа муддатларда самарали мослашишни, янги билимларни мавжуд фанлар негизига фаол сингдиришни, таълим олувчиларни улар билан изчил таништириб боришни тақозо этади. Бунда малакали, рақобатга бардошли кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш, самарали таълим ҳудудини яратишга қаратилган Болонья шартномасига аъзо давлатлар қаторидан ўрин олиш кутилаётган натижани қўлга киритиш имкониятини яратади.


Касбий таълим тизимининг ривожлантирилиши билан боғлиқ ҳолда сўнгги чорак аср давомида халқаро таълим амалиётида “мобиллик”, “мобиллашув”, “академик мобиллик”, “талабалар мобиллиги”, “касбий мобиллик” каби атамалар фаол қўлланиб келинмоқда.

“Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”да кўрсатилишича, “мобиллик” (“mobilis”) тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб, “ҳаракатчан” маъносини англатади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “мобиллик” тушунчаси шарҳланмаган бўлса-да, “мобилизация” (“мобиллашув”) атамасига қуйидагича изоҳ берилган: мобилизация – фр. “mobilisation” лот. “mobilis” – ҳаракатчан, қўзғалувчан. Келтирилган барча шарҳлар “мобиллик” тушунчаси негизда бирор-бир фаолиятни амалга оширишга бўлган ҳаракатчанлик, тезкор ҳаракат қилиш ётишини англатади. Глобал ахборотлашув, илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши таълим мазмунига ҳам изчил равишда ўзгартиришлар киритишни тақозо этмоқда.

Юқорида билдирилган фикрлар ўз навбатида умумий ҳолда “таълимнинг мобиллашуви” тушунчасининг моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда “таълимнинг мобиллашуви жараёни” тушунчасини қуйидагича изоҳлаш мумкин: таълимнинг мобиллашуви илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши, глобал ахборотлашув билан боғлиқ ҳолда ўқитиш мазмунини янги билимлар билан тезкор бойитиш, уларни таълим олувчиларга самарали, фаол етказишни тақозо этувчи жараёндир. Таълимнинг мобиллашуви ўз навбатида талабалар томонидан мавжуд билимларни тезкор ўзлаштириш заруриятини ифодалайди. Ушбу зарурият талабалардан ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга эришишни тақозо этади.


Тадқиқотни олиб боришда илмий изланиш объекти сифатида танланган таълим йўналиши Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) – таълим ва техника соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, у ўқув фанлари, воситалари, услублари ва педагогик фаолиятнинг усуллари ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун мўлжалланган техникалар, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг самарали жараёнларини таъминлашга йўналтирилган методлар ва воситалар мажмуини қамраб олади.

Билдирилган фикрларга таянган ҳолда талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг қуйидаги мантиқий тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг мантиқий тузилмаси

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини самарали ривожлантириш муайян педагогик шарт-шароитларда амалга оширишни тақозо этади. Мавзуга доир адабиётларни ўрганиш ва касб таълимнинг ташкил этилиш жараёнини кузатиш натижасида қуйидаги педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, деган хулосага келинди (2-расм):



**2-расм. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришни таъминловчи педагогик шарт-шароитлар**

Диссертациянинг таълимнинг мобиллашуви шароитида “Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш)” йўналиши талабалари ўқув-билиш фаолиятини хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ривожлантириш, шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг ҳамда мустақил таълимнинг дидактик имкониятлари асосида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш йўллари кўрсатиб ўтилган иккинчи боби эса **“Таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари”** деб номланган.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда касб таълими йўналиши талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш интерфаол

методларни такомиллаштириш ҳисобига таъминланади, деган хулосага келинди. Натижада диссертант томонидан талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш имкониятини таъминловчи куйидаги интерфаол методлар такомиллаштирилди ва тажриба-синовидан ўтказилди:

“Интеллектуал биатлон” методи (лот. “bis” – икки, “athlon” – кураш). Ушбу метод талабаларда фикрни жамлай олиш, фикрий операцияларни тезкор бажариш, фикрлашда эгилувчанликка эришиш, тезкор вазиятда ҳам топшириқни мукамал, тўғри бажаришга эришиш малакаларини ҳосил қилиш, ўқув-билиш фаоллигини оширишга ёрдам беради. Метод мусобақа характериға эға бўлиб, талабаларға жуфтликда, кичик гуруҳларда ва академик жамоада ишлаш учун имконият яратади. Талабалар жуфтлик, кичик гуруҳ ёки ўқув материалнинг характери, топшириқнинг мураккаблик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланган вақт оралиғида икки турдаги ўқув топшириқларини бажаришлари керак. Икки турдаги ўқув топшириғи сифатида: 1) “Блиц-сўров” – ижодий иш (лойиҳа, схема, диаграмма, тасвир); 2) таянч тушунчалар тавсифи – тест; 3) оғзаки савол-жавоб – эссе; 4) суҳбат – ёзма иш шаклларида берилади.

“Бажарилган топшириқлар эстафетаси” (фр. “estafette” – чопар, хабарчи, “staffa” – узанги) методи. Ушбу метод талабаларда тезкор фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ўқув топшириғини моҳиятини тўла англаш орқали “муаммо-ечим” ўртасидаги мантиқий боғлиқликни тушуниш асосида жамоада таълимий ютуққа эға бўлиш имкониятини яратишга хизмат қилади. Унга кўра тўрт кишидан иборат жамоа мазмунан тўрт хил бўлган (тўртта шаклдаги) ўқув топшириғини бажаради.

Методнинг моҳияти шундан иборат, жамоадаги ҳар бир аъзо (талаба) фақат биргина топшириқни бажаради ва навбатдаги топшириқни бажариш учун эстафетани ўз жамоадошиға узатади. Беллашув характеридаги ушбу метод ҳам аввалдан белгиланган вақт оралиғида қўлланилади. Ҳар бир аъзо томонидан қандай шаклдаги топшириқнинг бажариши жамоадошлар томонидан аниқланиши мумкин. Масала тортишувларға сабаб бўладиган бўлса, у ҳолда ҳар бир аъзо учун ўқув топшириғининг шакли қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

“Тизимлаштирилган тушунчалар кросси” (инглизча “cross” – кесиб ўтмоқ) методи. Методнинг мақсади талабаларни фаоллаштириш, уларда тезкор фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Унга кўра талабалар жамоада, кичик гуруҳларда ўрганилган ёки ўрганилаётган мавзу бўйича таянч тушунчаларни тезкор, қисқа муддатларда тизимлаштира олишлари зарур. “Тизимлаштирилган тушунчалар кросси” методининг “Ақлий ҳужум” методидан фарқли равишда талабалар жуфтлик ёки кичик гуруҳларда белгиланган вақт ичида таҳлил қилинаётган муаммо (масала) юзасидан имкон қадар таянч тушунча (ёки мавзунинг характерли жиҳат)ларни тизимлаштира олишлари зарур.

Диссертант томонидан такомиллаштирилган мазкур методларнинг амалий қийматини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

1) талабаларға кичик гуруҳларда, жуфтликларда биргаликда, ўзаро ҳамкорлик асосида ўқув топшириқларини бажариш имкониятини яратади;

2) методларни қўллашда “тенгдош-тенгдошга” тамойили амал қилиниши натижасида мавзу ёки топшириқ моҳиятини етарлича тушунмаган талаба тенгдошларидан улар тўғрисида маълумот олиш имкониятига эга бўлади;

3) кичик гуруҳлар ёки жуфтликларда ишлаш талабаларда ўрганилаётган мавзуга, ўқув материалига бўлган қизиқишини кучайтиради;

4) кичик гуруҳ ёки жуфтликларда ишлашда талабалар, табиийки, гуруҳдоши, шеригини қўллаб-қувватлаш, тинглаш, унга ёрдам бериш имкониятига эга бўладики, натижада талабаларнинг ижтимоийлашуви содир бўлади. Бу эса таълим жараёнини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

Таълимнинг мобиллашуви шароитида талабаларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиш сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг самарали имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабалари ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш, уларда ўқув-билиш фаоллигини таъминлашда қуйидагиларни шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг самарали имкониятларга эга турлари сифатида эътироф этиш мумкин: 1. Интерфаол таълим (Interactive education). 2. Муаммоли таълим (Problematic education). 3. Ҳамкорлик таълими (Cooperative education). 4. Лойиҳа таълими (Project education) технологиялари.

Интерфаол таълим технологиялари таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул технологиялари сифатида эътироф этилади. Интерфаол таълим технологиялари ўқитиш жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгаллик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Тадқиқотни олиб бориш даврида интерфаол таълим технологияларини қўллашда талабалар қуйидаги самарали имкониятларга эга бўлади:

- гуруҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш асосида ўзининг техник қобилият ва ижодкорликка эгаллигини намоийиш қилиш;

- тенгдошлари орасида ўзининг қишлоқ хўжалиги машиналари фанига оид инновацион ғояларини эркин баён қилиш, бу борадаги билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намоийиш этиш;

- қишлоқ хўжалиги машиналари фанига оид ҳар қандай муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;

- қишлоқ хўжалиги машиналари фани мавзуларидан истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга доир мунозараларда гуруҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;

- қишлоқ хўжалиги машиналари фани борасидаги маҳаллий муаммоларни ҳал қилишда ўз ички имконият ва қобилиятларини тўлиқ намоён қила олиш;

- “Қишлоқ хўжалиги машиналари”, “Тракторлар ва автомобиллар” каби фанларни пухта ўзлаштиришда ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш.

Тадқиқотни олиб бориш давомида интерфаол таълим технологияларини амалиётга қўллаш жараёнида талабалар томонидан қўйидаги топшириқлар бажарилади: I. Ижодий топшириқни бажариш. II. Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш. III. Ижтимоий лойиҳа (мусобақа, кўргазма)ни ташкил этиш.

Шу билан бир қаторда тажриба-синов ишларини олиб боришда муаммоли таълим технологиясидан самарали фойдаланилди. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли таълим технологияси ижодий фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади. Ўз моҳияти ва дидактик имкониятларига кўра муаммоли таълим – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилади.

Муаммо характеридаги барча турдаги ўқув машғулотларини ташкил этишда талабаларга: индивидуал; жуфтликда; кичик гуруҳда ишлашлари учун самарали имкониятлар яратилди. Тажриба-синов ишлари амалиётида: билимларни муаммоли баён қилиш (муаммоли маъруза); муаммоли топшириқларни ҳал қилиш (муаммоли амалий машғулот); кичик илмий тадқиқотларни олиб бориш (муаммоли тажриба) шаклларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқот давомида ҳамкорлик таълими технологияларининг қўйидаги самарали имкониятларга эга эканлиги очиқ берилди. Улар: талаба шахси, индивидуаллигига эътибор қаратиш; тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаб чиқишни инкор қилиш; талабаларда мустақил ва танқидий тафаккурни ривожлантириш; педагогга ва тенгдошларга нисбатан ижобий муносабатнинг юзага келишини таъминлаш; талабаларда маданий мулоқот кўникмаларини ривожлантириш; ҳамкорлик ва ўзаро тенгликка асосланган муҳитни яратиш; ижодий муҳитни яратиш.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда уларни ўқув, илмий ва ижодий лойиҳаларни тайёрлашга жалб қилиш ҳам кутилаётган самарали натижаларни кафолатлай олади. “Лойиҳалар билан ишлаш олий таълим тизимида алоҳида ўрин тутиб, талабага анъанавий ўқитиш методлари орқали эришиб бўлмайдиган билимларни эгаллаш имконини яратади. Тажриба-синов натижалари асосида муаллиф томонидан лойиҳа таълими технологияларининг қўйидаги самарали имкониятлари тавсия этилади: лойиҳа моҳиятини ёритиш; лойиҳа устида ишлаш талабларини тушунтириш; ишни баҳоловчи мезонлар билан таништириш; лойиҳага раҳбарлик қилувчи педагоглар тўғрисидаги маълумотлар (уларнинг иш тажрибалари, академик йўналганлиги, таянч маълумоти)ни тақдим этиш; лойиҳа устида ишлаш шакллари (бевосита ишлаш, лабораторияда ишлаш, кутубхонада тадқиқотни



олиб бориш, бирор-бир соҳани ўрганиш, лойиҳалаш ва тузиш-қуриш (конструкциялаш)га оид лойиҳаларни тайёрлаш)ни кўрсатиш. Шундай қилиб, интерфаол таълим, муаммоли ўқитиш, ҳамкорлик таълими ва лойиҳавий таълим технологиялари таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда улар томонидан мустақил таълим топшириқларининг тўғри, самарали бажарилиши муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш шакллари интерфаол муаммоли, лойиҳа, ва ҳамкорлик таълими технологияларининг имкониятлари асосида такомиллаштирилди: (1-жадвал)

### Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш шакллари (1-жадвал)

Мавжуд шакллар	Такомиллаштирилган шакллар
<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ айрим мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;</li> <li>➤ берилган мавзу бўйича мустақил равишда ахборот (реферат) тайёрлаш;</li> <li>➤ мустақил равишда семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;</li> <li>➤ лаборатория ишларини бажаришга мустақил тайёрланиш;</li> <li>➤ ҳисоб-график ишларини мустақил бажариш;</li> <li>➤ мустақил равишда курс иши (лойиҳаси)ни бажариш;</li> <li>➤ малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини раҳбар кўрсатмаси ва назорати остида мустақил тайёрлаш;</li> <li>➤ мустақил равишда назарий билимларни амалиётда қўллаш;</li> <li>➤ мавжуд муаммоларнинг ечимини мустақил топиш (кейс-стади);</li> <li>➤ мустақил равишда ва ижодий ёндашган ҳолда макет, модел, бадий асар (Касб таълими йўналишида эссе бўлиши мумкин – изоҳ диссертантга тегишли), муסיқа ва намуналар яратиш;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ ўрганилаётган мавзу бўйича таянч тушунчаларни аниқлаш ва тизимлаштириш;</li> <li>➤ мавзуга доир глоссарийни шакллантириш;</li> <li>➤ мавзу бўйича аннотацияни тайёрлаш;</li> <li>➤ тегишли мавзу бўйича ўқув материали ва ўқув топшириғининг характеридан келиб чиққан ҳолда кичик гуруҳларда ўқув, илмий ва ижодий лойиҳаларни тайёрлаш;</li> <li>➤ мавзунинг мазмунини жадвал, схема, диаграмма, тасвир, кластерларда ёритиш;</li> <li>➤ мавзунинг интерфаол методлар ёрдамида ёритиш;</li> <li>➤ кичик гуруҳларда ўқув материалига таянган ҳолда ўқув кейсларини шакллантириш;</li> <li>➤ ўрганилаётган мавзу бўйича даражали тестларни тайёрлаш;</li> <li>➤ Интернет тармоғида мавзуга доир маълумотларни излаш, саралаш, муҳим ва номуҳимга ажратиш, умумлаштириш;</li> <li>➤ мавзуга доир Интернет материалига асосланган матнни кичик қисмларга ажратиш;</li> </ul>

<p>➤ ижодий ва мустақил ёндашув асосида илмий мақола, маъруза ва тезисларни тайёрлаш</p>	<p>➤ мавзуга доир Интернет материали асосида режа тузиш;  ➤ мавзу ичида кичик мавзуни ҳосил қилиш;  ➤ туркумлаштириш (маълумотларни муайян йўналиш, жиҳат ёки муҳим белгиларига кўра турларга ажратиш);  ➤ Интернет ва босма адабиётларида берилган маълумотлари ўз талқинида қайта баён этиш;  ➤ таянч тушунчаларни бойитиш;  ➤ мавзу бўйича тақдимот тайёрлаш</p>
--	---

Диссертациянинг учинчи – **“Таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари** деб номланган бобида таълимнинг мобиллашуви шароитида талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларини ташкил қилиш, талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишга оид сифатлар, тажриба-синов ишларини баҳолаш мезонлари ва натижаларнинг таҳлили тўғрисида сўз юритилган.

Тадқиқотни олиб бориш даврида талабаларда ўқув-билиш фаолияти (илмий ва илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш-технологик, лойиҳавий-конструкторлик, экспериментал-тадқиқий кўникма, малакалари)нинг ривожланганлик даражасини ўрганишнинг таҳлилий жиҳатдан оқилона бўлишига эътибор қаратилган. Бунинг учун мазкур ҳолатни ўрганишга доир мезонлар асосланган. Улар қуйидагилардан иборат:

Ижодий-креатив (зарур) даража: намуна асосида ҳаракат қилиш йўли билан (ижодий) ҳаракатлар (илмий ва илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш-технологик, лойиҳавий-конструкторлик, экспериментал-тадқиқий фаолият)ни ташкил этиш орқали янги билимларни эгаллаш ва янги билимларни мустақил ўрганишга қаратилган ижодий ҳаракатлар (илмий ва илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш-технологик, лойиҳавий-конструкторлик, экспериментал-тадқиқий фаолият)ни ташкил этиш.

